

Зариф Ахроров

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Корхоналар фаолиятида фойдани солиққа тортиш аҳамиятли эканлигини таъкидлаган ҳолда тўловчи корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий афзалликлари ва иқтисодиётнинг ушбу соҳасининг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятлилигини чуқур таҳлил қилиш муҳимдир. Мазкур мақолада фойдани солиққа тортиш корхона ижтимоий-иқтисодий фаолияти муҳим қисми сифатида талқин қилинган. Фойдани солиққа тортиш борасидаги мавжуд вазият таҳлил қилиниб, меъёрий-ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Фойдани солиққа тортиш бўйича етакчи олимлар фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, корхоналар фаолиятини ривожлантиришда фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: фойда, фойдани солиққа тортиш, корхона, инвестиция, солиққа тортиш механизми.

Zarif Akhrorov

Samarkand Institute of Economics and Service

IMPROVING THE MECHANISMS OF PROFIT TAXATION IN THE DEVELOPMENT OF ENTERPRISES

Abstract. Emphasizing the importance of profit taxation in the activities of enterprises, it is important to make an in-depth analysis of the socio-economic advantages of paying enterprises and the importance of this sector of the economy for the country's economy. In this article profit taxation is interpreted as an important part of the socio-economic activity of the enterprise. The current situation with the taxation of profits is analyzed and the legal framework is considered. The views of leading scholars on profit taxation have been analyzed. In addition, proposals and recommendations for improving the mechanism of income taxation in the development of enterprises have been formulated.

Keywords: profit, profit taxation, enterprise, investment, taxation mechanism.

Кириш

Солиқлар корхоналар фаолиятида такрор ишлаб чиқариш жараёнига, капитал айланишига ва имтеъомол босқичига таъсир қилади.

Солиқларнинг корхона фаолиятига таъсири тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита содир бўлади. Даромадларнинг қайта тақсимлаш воситалари сифатида улар иқтисодий ўсишнинг ҳозирги тенденциялари, нисбатлари ва суръатларидан бир оз кечикиш билан таъсир кўрсатадилар. Солиқларни қайта муносабатлари ўз вақтида ва мос фойда солиғи муносабатларини тартибга солишда наф келтирувчи чора-тадбирлар қабул қилингандагина у ўзининг самарадорлигига эга бўлиши мумкин. Шунга қарамай, фойда солиғи корхона фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим манбаси сифатида қараш бугунги кунда долзарбдир.

Иқтисодий ўсиш суръатларини тенглаштириш мақсадида аксарият мамлакатлар корхоналарнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида фойда солиғини тартибга солиш механизмларидан (депрессия даврида уни рағбатлантириш ва максимал иқтисодий ўсиш даврида чеклашдан) фойдаланадилар. Фойда солиғи тушумлари такрор ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатларига бироз кечикиш билан эришганлиги сабабли, фойда солиғининг автоматик равишда кўпайиши ишлаб чиқаришнинг турғунлик ҳолатига тушиши ва ҳатто унинг пасайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда инвестициялаштиришни рағбатлантиришни ошириш мақсадида фойдадан солиқ ажратмаларини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Фойда ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Фойда такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтирилишини таъминлашда мустақил ҳаракат қилиб иқтисодий категория сифатида шаклланади.

Проф. Н.Хайдаров фойда тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан бирга, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаларидан бири эканлигига урғу беради [1].

Фойдани шакллантириш ва тақсимлаш масалалари билан шуғулланган олима С.С. Алиева фойдани корхона фаолияти хизматлари учун тўлов, яъни айнан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун ресурсларни моҳирона бирлаштириши, корхона бошқариш бўйича ноодатий қарорлар қабул қилиши, маҳсулотларнинг инновацион турларини жорий қилиши, ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириши учун, шунингдек иқтисодий риск учун мукофот сифатида эътироф этади [2].

Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганган Х.Б. Зарипов фойда ишлаб чиқариш омилларини (меҳнат, капитал, табиий ресурслар) узвий алоқадорлиги асосида моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган пировард молиявий натижа эканлигини таъкидлайди [3].

Нобел мукофоти совриндори, инглиз иқтисодчиси Ж. Хикс маълум бир вақт оралиғида ишлатиш мумкин бўлган ва давр охирида давр бошига нисбатан ижобий қолдиққа эга бўлиши лозим бўлган кўрсаткич дея таъкидлайди [4].

Америкалик иқтисодчилар Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл фойдани хўжалик фаолиятини юритиш натижасида қўйилган капитални ошиши сифатида талқин қилади [5].

Одатда, тараққий этган мамлакатларда корхоналар ва уларнинг ходимлари ўз ижтимоий-иқтисодий манфаатларини бюджетдан ажратмалар ҳисобидан кондиришдан кўра номарказлаштирилган йўл орқали, яъни фойданинг бир қисмини шу манфаатларга сарфланиши кўпроқ афзалликларга эга деб келинмоқда. Жумладан, С.Наварра ва Э.Тортиа инвесторларга қарашли фирмаларда фойдани максималлаштиришда иш ҳақи ва харажатларни

минималлаштиришга устунлик беришни назарда тутса [6], А.Малани ва Э.Поснер ходимлар иш ҳақида масаласидаги муносабатлар ва у билан боғлиқ жараёнлар муҳим энглизини таъкидлайди [7].

Шуни айтиб ўтиш керакки, фойданинг манбаи ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти атрофида қанча фикр-мулоҳаза бўлмасин, фойдани умумлаштирувчи воқелик категорияси эканлиги асослаб берилгани йўқ. Шу боис уни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш иқтисодчи олимлар олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, фойда ижтимоий-иқтисодий моҳиятга эга бўлган кўрсаткич сифатида унинг назарий жиҳатдан асосланиши корхоналар билан давлат бюджети ўртасидаги солиқ муносабатлари орқали молиявий-иқтисодий муносабатларни ташкиллаштиришда муҳим иқтисодий-молиявий категория ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг корхоналар фаолиятида фойдани солиққа тортиш, фойда солиғи ва уни ҳисоблаш методологиясига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва корхоналар маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларида фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Фойда солиғи муносабатларини тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш таркибига фаол таъсир кўрсатади. Фойда солиғини тартибга солиш механизми ёрдамида давлат капиталнинг жадал тўпланиши учун инновацион ривожланишни белгилайдиган фаолиятнинг энг истиқболли йўналишларида, шунингдек ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кичик рентабелли, лекин доимий фаолият кўрсатиши учун зарурий шарт-шароитларни яратади. Фойда солиғи бўйича берилаётган имтиёзлар қабул қилинган давлат иқтисодий дастурлари доирасида амал қиладиган корхоналарга тақдим этиш тез-тез учраб туради.

Давлатнинг корхоналар инвестицион фаолиятига тўғридан-тўғри таъсири асосий воситаси амалдаги фискал ричаглардан бири бўлиб, фойда солиғи бўйича амал қиладиган имтиёзлар бўлиб ҳисобланади. Фойда солиғи бўйича ставкаларни ягоналаштириб давлат нафақат солиқ имтиёзлари орқали таъсир кўрсатиш, балки ички пул маблағлари ҳажми ва асосий капиталга инвестициялашга ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Айнан уларнинг ёрдамида инвестицион қўйилмаларнинг фойдалилигини ошириш ва асосий капитал “нарх”ини пасайтиришга ҳаракат қилиш орқали капитални янгилашни рағбатлантиришга ҳаракат қилиш лозим.

Фойда солиғини ҳисоблашда амортизация ажратмаларини қайта баҳолашни (қийматни пасайтиришни) ҳисобга олмаган ҳолда бошланғич

қийматдан ҳисоблаб чиқариш муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, инвестицияларга нисбатан солиқ режимининг афзаллиги охир-оқибатда олдинда қўйилган капиталга солиқ солинадиган фойда солиғи базасидан қандай тез ва тўлиқ қоплашга имкон бериши билан белгиланади. Амортизация ажратмаларини таҳлил қилиш ва қайта баҳолаш, уни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида тезкор қарор қабул қилиш, мақбул фойда солиғи базасини ўрнатиш имкониятлари яратилади.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда фойда солиғини тартибга келтириш механизми давлат бюджети даромадларига таъсири аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Фойда солиғини тартибга солувчи механизм элементларини бюджет даромадларига таъсиридаги молиявий йўқотишлар¹

т/р	Солиқ механизми элементлари	Ушбу солиқ тури бўйича бюджет даромадларига таъсир		Зарар кўриш даражаси, %	Наф кўриш даражаси, %	Ҳақиқий йўқотиш (-) ёки наф кўриш (+)
		Зарар	Наф			
I.	Тартибга солувчи элементлар					
1.	Солиқ ставкаси	↓зарар	↑наф	3,10↓	3,25↑	+0,15↓↑
2.	Солиқ объекти	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	йўқ↓↑
3.	Солиқ имтиёзи	↓зарар	↑наф	6,12↓	7,14↑	+1,02↓↑
4.	Солиқ субъекти	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	йўқ↓↑
5.	Солиқ ҳуқуқи	Шаффофлик таъминалади	Шаффофлик таъминалади	Шаффофлик таъминалади	Шаффофлик таъминалади	↓↑
6.	Солиқ манбаи	↓зарар	↑наф	7,12↑	8,02↓	+1,10↓↑
7.	Солиқ базаси	↓зарар	↑наф	6,71↑	7,82↓	+1,11↓↑
II.	Тартибга солмайдиган элементлар					
1.	Солиқ тўлаш муддатлари	↓зарар	↑наф	1,33↓	1,12↑	-0,21↓↑
2.	Солиқ субъекти ҳужжатлари	↓зарар	↑наф	0,75↓	0,81↑	+0,06↓↑
3.	Солиқ ўлчов бирлиги	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ ↓↑
4.	Солиқларни ҳисоблаш	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ ↓↑

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ элементларидан ҳар бирининг ошиши (↑) ёки пасайиши (↓) зарар ва наф келтириши мумкин. Зарар

¹ муаллиф ишланмаси

ва наф микдори шу солиқ тури бўйича бюджетга тушириладиган микдорга нисбатан эътироф этилиши, солиқ идора ходимлари томонидан ушбуларни эътиборга олиш ва оператив қарор қабул қилиш орқали бу борадаги шаффофлик мувозанатни сақлаши мумкин бўлади.

Инкироз даврида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш камаяди ва давлат идоралари асосий капиталнинг катта қисмини амортизация фондига ҳисобдан чиқаришга рухсат беришади. Аммо бундай шароитда харажатлар ўсиши, харидорларнинг тўловлари қийинлашиши, сақлаш ва тарқатиш харажатларининг ўсиши, банк кредитлар қимматлашиши кузатилади. Амортизация ажратмалари аввалги нормалардан келиб чиқиб ҳисобдан чиқарилган тақдирда ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми камайиши муносабати билан маҳсулот бирлигининг кам сонига бўлинади. Инкироз шароитида нархларнинг ўсиш имкониятлари, агар истисно этилмаса, қулай бозор шароити даврида нисбатан сезиларли даражада чекланган.

Харажатлар таснифи тўғрисидаги низом [8] билан аниқланадиган ялпи фойданинг камайиши келгусида инвестиция қўйилмаларини молиялаштириш мақсадида амортизация фондида фойдани сақлаш имконияти истисно қилинадиган ҳолатга олиб келиши мумкин (зарарли билан ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар сонининг ўсиши туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторида аллақачон аниқ ўринга эга), шу жумладан асосий капитални ҳисобдан чиқариш давлат органлари томонидан рухсати талаб этилмайди, чунки рухсат берилган ҳисобдан чиқариш ҳақиқий фойдадан катта бўлади.

Юқорида фикрни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-формула):

$$\sum \Phi = N_i - (\sum AA + \sum БДХ + \sum \dot{X}) / \sum ИЧХ_i \quad (1)$$

бу ерда: $\sum \Phi$ – фойда; N_i – маҳсулот бирлиги нархи; $\sum AA$ – амортизация ажратмаси; $\sum БДХ$ – бошқа доимий харажатлар; $\sum \dot{X}$ – ўзгарувчан харажатлар; $ИЧХ_i$ – (i) бирликларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Коэффициент K билан ўлчанадиган ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва нарх ўзгаришсиз қолади деб ҳисобласак, 1-формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\sum \Phi = N_i - [\sum AA + \sum БДХ + (K_1 * \sum \dot{X})] / K_1 \times \sum ИЧХ_i \quad (2)$$

бу ерда: $K_1 < 1$.

Тасаввур қиламиз, ҳукумат иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида амортизация нормаларини оширди. Ҳисобдан чиқариш нормаларини ошириш K_2 коэффициент билан кўрсатилди:

$$\sum \Phi = N_i - [K_2 \times \sum AA + \sum БДХ + (K_1 \times \sum \dot{X})] / K_1 \times \sum ИЧХ_i \quad (3)$$

Бу кўрсаткич иккинчи ҳолатга қараганда тезроқ ўсади, харажатлар эса янада кўпаяди. Улар шу даражага ўсиши мумкинки, нархдан ошиб кетиши мумкин. Масалан, корхонада ишлаб чиқариш қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди деб тасаввур қиламиз (шартли пул бирликларида): $N_i = 100$; $\sum AA = 200000$; $\sum БДХ = 500000$; $\sum \dot{X} = 100000$. (1) формула бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

$$\sum \Phi = 100 - (200000 + 100000 + 500000) / 100000 = 100 - 80 = 20.$$

Ишлаб чиқариш 30%га пасайганда, аниқроғи $K_1 = 0,7$ бўлганда $\sum\Phi_1$ ни (2) формула бўйича аниқлаймиз:

$$\begin{aligned}\sum\Phi_1 &= 100 - (200000 + 100000 + 0,7 \times 500000)/0,7 \times 100000 \\ &= 100 - 92,8 = 7,2\end{aligned}$$

Амортизация ажратмалари нормаси 25%га ошганда, аниқроғи $K_2 = 1,25$ бўлганда $\sum\Phi_2$ ни (3) формула бўйича аниқлаймиз:


$$\begin{aligned}\sum\Phi_2 &= 100 - (1,25 \times 200000 + 100000 + 0,7 \times 500000)/0,7 \times \\ &100000 = 100 - 100 = 0.\end{aligned}$$

Охирги вазиятда фойда бутунлай йўқолди. Унга кўра фойдани солиққа тортиш базасини шакллантириш имконияти бўлмайди. Мос равишда фойда солиғи тушумидан бюджет даромадлари қисқарди, амортизация ажратмалари ҳисобидан кўшимча имтиёзлар ҳисобидан тартибга солиш мумкин бўлмай қолди. Агар ҳукумат амортизация ажратмаларини янада оширишга рухсат берса, бунда корхона ундан фойдаланолмай қолади. Амортизация ажратмалари аввалгидай қолиб, ишлаб чиқариш ҳажми 60%гача пасайса ёки нархлар пасайиши содир бўлса, бизнинг мисолимиз бўйича худди шундай ҳолат содир бўлади.

Демак, фойда солиғи воситаси ва асосий капиталдан амортизация ажратмалари нормалари орқали давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари мавжуд: биринчидан, бюджет даромадларини рад этиш чегараларидан келиб чиқадиган бюджет чегаралари; иккинчидан, мазкур вазият учун амортизация ажратмалари чегарасига эришиш ва ишлаб чиқариш қисқариши чора-тадбирлари бўйича бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ўсишини аниқлаш орқали корхонанинг фойдалилик чегараларини юзага келишига замин яратиши бўлиб ҳисобланади.

Фойдани ташкил этиш, тақсимлаш ва солиқ объекти иқтисодий чегарасини аниқлаш маълум даражада ишлаб чиқаришга, инфляция ва ишсизликнинг вужудга келишига, инновацион маҳсулотларнинг экспорт ҳажмининг ўсишига таъсир этиб келмоқда. Фойда, унинг тақсимоти ва солиқ объектини заруриятли чегарасига таъсир этувчи салбий ҳодисаларга барҳам бериш долзарб масала бўлиб келмоқда. Шу муносабат билан фойда солиғи объектини иқтисодий чегарасини аниқлаш иқтисодиётни замон талаблари доирасида изга тушишига замин яратиб берувчи асосий омиллардан бири эканлигини ҳозирги пайтда аксарият иқтисодчи олимлар тан олишяпти [9-12]. Шу боис ҳам фойда, уни тақсимлаш жараёни доирасида солиқ объектини иқтисодий чегарасини аниқлаш ва параллел равишда бюджетнинг солиқли даромадларини оширишга эришиш, бу борада Харажатлар таснифи Низоми доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётдаги энг мураккаб муаммолардан биридир. Бугунги кунда жуда кескин танқидга учраётган, муаммоларга сабаб бўлаётган, ислох қилиш бўйича таҳлил объекти ва қарама-қарши ғояларга эга бўлаётган фойда солиғидан бўлак ислохотларнинг бошқа бир йўналиши йўқ. Тарихан ўтиш босқичидан ҳозирги

кунга келиб жуда кўп марталаб солиқ ставкаларини ўзгариши айнан фойда солиғига тўғри келди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида фойда солиғи ставкасининг ўзгариш динамикаси [13]

Бошқа бир томондан эса фойда, уни аниқлаш ва унга кўра солиқ объектини ҳисоблаш молиявий муносабатларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатимиздаги иқтисодий ютуқ кўп жиҳатдан фойдага боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги янги Ўзбекистон шароитида ташкил этилаётган фойдани кескин ошириш ёки пасайтириш тўғрисидаги қарашларга эҳтиёткорлик билан ёндошиш талаб этилади. Бундай ҳолларда фақат бир дақиқалик нафни қўлга киритиш йўлида бўлиб уни эътибордан четда қолдириш, балки бундай қарашларни корхона иқтисодиётига ва унинг молиясига қай даражада таъсир этишни инобатга олиш талаб этилади.

Мамлакатимизда фойда солиғининг амалдаги механизми ҳали ҳам мукамал эмас. Умуман олганда, солиқ ставкаларини оптималлаштириш масалалари, хусусан фойда солиғи ставкалари, ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек молиявий институтлар учун фойда солиғини рағбатлантириш тизимининг таркиби ва мақсадли йўналишлари бўйича оптималлаштириш ҳал этилмаган. Яна бир факт: 2020 йилда ЯИМни яратишда саноатнинг ҳиссаси деярли 20%ни, аммо шу билан бирга бюджетга солиқ тушумининг улуши 60%ни ташкил этди, савдо фаолияти эса мос равишда 17% ва 2,6%ни акс эттирди.

Шунинг учун корхоналар фойда солиғини табақалаштириш лозим ва бу қуйидаги омилларга боғлиқ бўлмоғи лозим: тегишли фаолиятга киритилган айланма капитал айланиши даражаси; жамият учун ишлаб чиқариш ва айирбошлаш босқичларининг ижтимоий аҳамияти: ишлаб чиқариш бирламчи бўлиб, айирбошлашдан юқори устунликка эга бўлмоғи; ишлаб чиқаришсиз тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол босқичларининг бўлмаслиги; тенг бўлмаган умумий харажатли босқичлар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш эса

катта куч сарфлашни талаб қилади: маълум қийматга нисбатан интеллектуал, меҳнат, моддий, молиявий харажатлар, масалан 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ушбу ҳажмни реализация қилиш ҳаракатлари, жамиятнинг ушбу жараёнлардаги саъй-ҳаракатлари ва фойда солиғи орқали жамият фуқароларига кўрсатиладиган “давлат хизматлари” харажатлари сотиш ҳажмини (хизматлар ҳажмини) қиймат жиҳатидан шакллантиришда тескари мутаносиб бўлиши керак; инқироз шароитида ишлаб чиқариш фаолиятини устувор равишда рағбатлантириш зарурлиги бутун ишлаб чиқариш жараёнини барқарорлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу боисдан фойда солиғи воситасида корхоналар инвестицион қўйилмаларни рағбатлантириш учун мамлакат қонунчилиги қўйидагиларни кўриб чиқиши лозим: асосий капиталнинг такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида корхоналар фойдаси ҳисобидан (мажбурий ва ихтиёрий тўловлар) захира фондларини шакллантириш амалиётининг юзага келтирилиши ва фаол қўлланилиши, корхоналар учун инвестицион солиқ кредити беришни кенг тадбиқ қилиш. Бундан ташқари, инвестицион қўйилмаларнинг молиявий манбаларини режалаштириш ва жамғариш мақсадида капитал харажатлар учун солиқ имтиёзларининг амалдаги тартиби билан биргаликда янги рағбатлантириш тизимини жорий этишни таклиф этамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонунчиликка биноан, корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар, олинган грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва мақсадли тушумлар, телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар, инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган мол-мулк, концессия битими бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган мол-мулк солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар сифатида белгилаб қўйилган [14].

Юқоридаги бандлар бўйича корхонага келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулклар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилмаслиги ва амортизация қилинмаслиги мақсадга мувофиқ. Ушбунинг амалиётга жорий этилиши билан фойда солиқ солиш базасидан чиқариб ташланган амортизация ажратмаси суммаси доирасида бюджет даромадларига қўшимча фойда солиқ тушумини таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Агар фойда солиғини тўловчилар корхоналар ривожланишига танқидий таҳлил қилинмаса, ҳал қилиниши кутилаётган кўплаб муаммоларга дуч келиш мумкин бўлади. Биз ҳозирги кунга қадар амалдаги фойда солиғи тизими ва корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун фойда солиғи ставкалари тўлиқ

даражада таъсир этмоқда деб айта олмаимиз. Ҳозирда ҳам, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида фойда солиғини тўловчи корхоналар катта муаммоларга дуч келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, фойда солиғи ставкалари доирасидаги муаммоларнинг ечими 25 йил ичида кўзга ташланишга лойиқ тадбирни амалга ошира олмади. Бу ушбу солиқ орқали иқтисодий тез суръатлар билан ўсишини фақат солиқ ставкасини пасайтириш орқали эришиш мумкинлигини тасаввур этиб келдик. Фойда солиғи ставкаси шу давр ичида 38%дан (1996 йил) 2021 йилда 15%гача пасайтирилди, аммо мавжуд муаммоларни ечиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш солиқ солиш базасини ошириш, экспорт ҳажмини кескин ошириш бўйича диққатга молик ютуқларни қўлга кирита олганимизча йўқ. Мустақиллик йилларида тадбиркорларнинг ишбилармонлик ва ижодий салоҳиятини намоиш қилиши учун фойда барча корхоналар учун фойда солиғини тўлаш учун ўтган йиллар ичида қулай шароитлар яратилди, ҳатто уларнинг йирик корхоналар билан рақобатлашуви ва шу билан бозор конъюктурасига таъсир этиши, истеъмолчилар талабларини қондириш каби муҳим имкониятлар яратиб берилган эди, аммо қўлга киритилган натижалар кўзланганидек бўлмади. Корхоналар ўз фаолияти доирасида олган даромад (фойда)ларини яширишга, самарасиз харажатларини оширишга интилишди. Бундан иқтисодиёт зарар кўрди, холос.

Хулоса ва таклифлар

Фойда солиғини тўловчи корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий афзалликлари ва иқтисодиётнинг ушбу соҳасининг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятлилигини чуқур таҳлил қилиш уларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш зарурияти юзага келди. Бундай заруриятни рўёбга чиқариш учун устувор йўналишларини белгилаш муҳимлиги эътироф этилди. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, фойда солиғини тўловчи корхоналар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Иккинчидан, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, кредит, хом-ашё ресурслари олиш имконияти, шунингдек давлат харидларига иштирок этиш имкониятини кенгайтириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилаш.

Учинчидан, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш, солиқ имтиёзларини тақдим этишда корхоналар фаолиятини кенгайтиришга тақозо этувчи ҳолатларни тадбиқ қилиш. Уларнинг ишбилармонлик фаолиятига мувофиқ, бандлик даражаси, маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) сифати ва самарадорлиги бўйича гуруҳларга бўлиш усулларини қўллаш орқали фойда солиғини ҳисоблашнинг янада мукамал тизимини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, корхоналардаги асосий воситаларни йил бошидаги ҳолатига қайта баҳолашни мажбурий тартибни бекор қилиш. Асосий воситаларни 1 январь ҳолатига қайта баҳолашни мажбурий тартибни бекор қилиш ёки ихтиёрий тарзда баҳолаш ҳар бир фойда солиқ тўловчи корхонанинг ҳисоб сиёсатига кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра солиқ солиш

базасининг иқтисодий чегараларини аниқлашга ва фойда солиғини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, экспортни амалга оширишда, ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни қўллашда, алоҳида маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) турлари бўйича импорт улушини камайтириш мақсадида кўшма корхоналар ташкил этишда фойда солиғи ставкаси ва солиқ базасини тартибга солишнинг молиявий механизми шаффофлигини ошириш шулар жумласидандир.

Бундай ўзгаришларнинг амалий механизми банкларда корхоналар инвестицион ҳисобварақларини очиш мумкин. Бундай ҳисобварақларга йўналтирилган маблағлар асосий капитал ишлаб чиқаришга кетадиган фойданинг бутун миқдоригача фойда солиғидан озод қилиниши керак. Албатта, ушбу имтиёз фақат фойда солиғи тўловчиси ҳисобланувчи ва моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарга тааллуқли бўлиши керак. Бундан ташқари, фойда солиғи бўйича имтиёзларни ишлаб чиқаришнинг инвестицион қўйилмаларига нисбатан имтиёзларни беришнинг янги тартибини (ноншлаб чиқариш корхоналарига имтиёзлар бериш тартибини ўзгартирмасдан) кенгайтириш лозим.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича имтиёзларни тақдим этиш схемасини тубдан ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Юридик шахсларга солиқ имтиёзи сарфланган харажатлар асосида эмас, балки уларнинг асосий капитални такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг капитал қурилиш лойиҳаларининг тахминий қиймати доирасида корхона режалаштирган харажатлари асосида қўлланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Haydarov N. Soliqlar va solliqqa tortish masalalari. – T.: Akademiya, 2007. – 54 b.
2. Aliyeva S.S. Sovershenstvovaniye formirovaniya i raspredeleniya pribili predpriyatiy v usloviyax modernizatsii ekonomiki. (na primere predpriyatiy Samarkandskoy oblasti). Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchenoy stepeni k.e.n. – T.: BFA, 2011. – s. 9-10.
3. Zaripov X.B. Soliqlarning korxonalar moliyaviy-xo‘jalik faoliyatiga ta’sirini baholash yo‘llari. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) diss.avtoref. – T.: 2020. – 14-b.
4. Hicks J. R. The theory of uncertainty and profit //Economica. – 1931. – №. 32. – С. 170-189.
5. Needles Jr B. E., Anderson H. R., Caldwell J. C. The basic principles of accounting //Publishing House Arc. – 2000.
6. Navarra C., Tortia E. Employer moral hazard, wage rigidity, and worker cooperatives: A theoretical appraisal //Journal of Economic Issues. – 2014. – Т. 48. – №. 3. – pp. 707-726.

7. Malani A., Posner E. A. The case for for-profit charities //Virginia Law Review. – 2007. – С. 2017-2067.
8. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1995-yil 5-fevraldagi 54-son qarori bilan tasdiqlangan “Mahsulot (ish, xizmat)larni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari hamda oxirgi moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risida”gi Nizom. <https://lex.uz/docs/264422>
9. Braithwaite V. Taxing democracy: Understanding tax avoidance and evasion. – Routledge, 2017. – p. 520.
10. Wagner A. Grundlegung der Politischen Oekomie. Part 1, vol.1. 3rd ed. – Leipzig. Winter, 1892.
11. Perov A.V. Nalogi i nalooblojeniye. Ucheb.pos. – 8-e izd., pererab. i dop. – M.: Yurayt-izdat, 2007. – s. 939.
12. Xodov L.G. Nalogi i nalogovoye regulirovaniye ekonomiki: Ucheb.pos. – M.: TEIS, 2003. – s. 254.
13. O‘zbekiston Respublikasining mos yillarga mo‘ljallangan asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar va davlat byudjeti to‘g‘risidagi qonuni ma’lumotlari asosida tuzildi
14. O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi. 304-modda. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.12.2019 y., 02/19/SK/4256-son; 11.03.2020 y., 03/20/607/0279-son.